

18-iyul
2024-yil 29 (1079)



O'ZLIDEP

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

Кеча:
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш юзасидан биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлар ва келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

“XXI ASR” ШАРҲИ

ВОДИЙ ГАВҲАРИ МАМЛАКАТ ЖАВҲАРИГА АЙЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АҲОЛИ ҲАЁТИНИ ЖОЙИДА ЎРГАНИШ, ХУДУДЛАР РИВОЖИНИНГ БОРИШИ БИЛАН БЕВОСИТА ТАНИШИШ МАҚСАДИДА ШУ ЙИЛНИНГ 11-12 ИЮЛЬ КУНЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ.



Шарҳни расмий ахборотларда учрамайдиган қизиқарли маълумотлар билан бошлаш ани муддао, назаримда. Тилга олинажак далиллар таққоси билан бўлса таъсирчанлиги янада ошиши шубҳасиз. Зотан, мисли кўрилмаган шиддатли даврда биттагина рақам кўп нарсани англашига аста-секин кўникма ҳосил қилинаётгани асл ҳақиқатдир.

Оз эмас-кўп эмас 10 та. Бу – ташрифнинг биринчи куни давлатимиз раҳбари танишишга улгурган объектлар сони. Эрталаб соат тўққизда “старт” олган фаолият кечки саккиз яримда ҳам ниҳоясига етмаганди. Ўша объектларни кўриш учун Фарғона вилояти бўйлаб автомобилда 150 километрдан ортиқ йўл босиб ўтилди. Кўп қаватли уйлар ва аҳоли хонадонлари оралаб 8 400 қадам пиёда юрилди. Ҳовлиларда ўйнаётган бо-

лалар ва уларнинг оналари холи сўралди, ҳеч қандай расмиятчиликсиз, маҳалладош сингари дилдан суҳбатлашилди.

Югуриб келган кичкинтойларни кўтариб суратга тушилгани эса энг жиддий кишиларнинг ҳам самимият туйғуларини жўш урдиргани рост.

Очиғини айтايми: бунақа воқеаларга ҳар куни дуч келмайдиган фарғоналиклар ҳудудлардаги раҳбарлар, айниқса, ўрта бўғин мутасаддилари ҳам шундай ишласа бўлмайдими, дея ҳавасманд боққанлари-да рост.

Президентнинг Фарғонада кўпроқ қолишини, бошқа шаҳар ва қишлоқларга ҳам шахсан ўзи боришини юрак-юракдан истаганлари, топшириқларни фақат қоғозда “есть” қиладиган баъзи бошлиқлар ўрнак олишини хоҳлаганлари-да рост.

3

СОҒИНЧ

Ғайрат МАЖИД



ВАТАНДОШЛАР

Ризқ-рўз сабаб қушлар каби
Кетмиш ҳар ён ватандошлар,
Қўнган манзил-мақонида
Юртдан нишон – ватандошлар.

Бобур каби талаби – юрт
Фурқатдайин матлаби – юрт
Келсин умр маркаби юрт,
Элга томон, ватандошлар.

Мусофирлик машаққати,
Тошдан оғир, тошдан қаттиқ,
Ҳаёт – Ҳақнинг бир ҳикмати,
Чин мусулмон – ватандошлар.

Яссавийнинг йўли бизда,
Навойнинг тили бизда,
Мангу қолсин кўнглимизда
Иймон, забон, ватандошлар.

Ватан – неъмат, неъматга кон,
Дастурхонда патир, ширмон,
Татиб билдим, эй меҳрибон,
Ушоқ ҳам нон, ватандошлар.

Дилда орзу, оппоқ ранги,
Қолмасин дард, армон занги,
Бу кун давру замон янги,
Ўзбекистон – ватандошлар.

МУҲОКАМАДА ЯНА СОЛИҚ КОДЕКСИ!

2



Америкалик сиёсатчи, давлат арбоби Бенжамин Франклиннинг шундай гапи бор: “Дунёда ҳеч нарса солиқ ва ўлим каби муқаррар эмас”. Хўш, бу гапда жон борми? Умуман Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати ҳақида фикрингиз қандай? Сизнингча, мамлакатимизда солиқчилик соҳасида нималарни ўзгартириш керак?

ЖАРАЁТ

НОМЛАРИ БОР-КУ, РАҚАМЛАРГА НЕ ҲОЖАТ?!

АРИҚ-КАНАЛЛАРИНИНГ КАДИМИЙ ХАЛҚОНА НОМЛАРИ НЕГА УНУТИБ ЮБЕРИЛМОҚДА

5

МАНТИҚСИЗ АТАМАЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ ШУНЧАЛИК ҚИЙИНМИ?!

Газетамизнинг шу йил 22 февралдаги 8-сонида “Номлари бор-ку, рақамларга не ҳожат?!” сарлавҳали мақола чоп қилинган эди. Унда жумладан шундай фикрлар келтирилган: “...Полвон каналининг кўша кўпригидан ўтгач, навбатдаги ариқ бўйидаги лавҳага кўзи тушган меҳмон ажабланиб сўради: “Тушунмадим, энди бунисига изоҳ беринг ёшулли, бу қанақа атама?”.

6

ҚИСМАТНИНГ ОВОЗИ



Усмон Носир олдида бизнинг ҳеч узиб бўлмайдиган сўнгсиз қарзимиз бор. Ҳар сафар Усмон Носирни хотирлаганда, ҳар сафар унинг сўзидан – шеърлари ва дostonларидан баҳрадор бўлганда, доим шу қарз мозийдан узатилган бир қўл каби одамнинг елкасидан тутати.

МУҲОКАМАДА ЯНА СОЛИҚ КОДЕКСИ!

Америкалик сиёсатчи, давлат арбоби Бенжамин Франклиннинг шундай гапи бор: “Дунёда ҳеч нарса солиқ ва ўлим каби муқаррар эмас”.

Ҳўш, бу гапда жон борми? Умуман Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати ҳақида фикрингиз қандай? Сизнингча, мамлакатимизда солиқчилик соҳасида нималарни ўзгартириш керак?

Ҳозирда ҳар қандай мамлакатнинг солиқ тизими нафақат давлат молиявий тизимнинг таркибий қисми, балки шу билан бирга иқтисодий тартибга солиш умумий тизимнинг ҳам энг муҳим бўғини ҳисобланади.

Солиқ соҳасида республикада амалга оширилаётган ислохотлар кўпгина мунозараларга сабаб бўлмоқда. Мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари, тизимни модернизациялаш масалалари, жаҳон солиқ амалиётидаги илғор тажрибаларни ўзаро муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур омилларни ҳисобга олган ҳолда, жорий йил июнь ойида Ўзбекистон Тadbirkorлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш марказида ўтказилган “Тadbirkorлар билан мулоқот” форуми лойиҳаси доирасида “Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодекси бўйича амалиётда учраётган масалалар” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда O'zLiDePнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлари, Ўзбекистон менежерлар уюшмаси, Бизнес-Омбудсман, Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ қўмитаси, Адлия ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирликлари, Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси, Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти, Адвокатлар палатаси экспертлари, қолаверса, соҳага оид бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Мулоқотда парламент қўйи палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Эмма Аслонова сўзга чиқиб, мамлакатимизда солиқ тизимини ислох қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар, унинг самараси ҳақида тўхталиб, Солиқ кодексини ҳаммага бирдек тушунарли бўлиши учун янада соддалаштириш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, солиқ назорати механизмларини такомиллаштириш борасида ўз қўшатув ва таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Давлат солиқ қўмитасининг масъул ходими Исмаилла Севинчов сўзларига кўра, эндиликда товар айланмаси 1 млрд сўмгача бўлган кичик корхоналар учун алоҳида солиқ режими сақлаб қолиниб, айрим турдаги товарлар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар (алкоголли маҳсулотлар) ва ер қаридан фойдаланувчилар учун имтиёзлар Солиқ кодексидан чиқариб ташланмоқда.

Шунингдек, давра суҳбатида мутасадди ташкилотларнинг қонунга хилоф қўшимча солиқлар ҳисоблаши, молиявий санкциялар қўллаш ҳамда тadbirkorлик субъектлари томонидан ортиқча тўланган солиқлар ўз вақтида қайтарилмагани учун жавобгарликни кучайтирилиши лозимлиги бўйича кодексга қўшимчалар киритиш борасида ҳам тўхталиб ўтилди.

– Бож ундирувчи давлат органлари билан солиқ тўловчиларнинг ўзаро муносабатлари жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, янада яхшилашни лозим, – деди Ўзбекистон менежерлар уюшмаси раиси Алишер Шайхов. – Бу йўлда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тизимда инсон омилни камайтириш, ҚҚСни такомиллаштириш, фойда солиғини тартибга солишга оид ўзгартиришлар киритиш, харажатларнинг “иқтисодий асосланганлиги” тўғрисидаги ноаниқликларни чиқариб ташлаш лозим.

“Финекс” аудиторлик компанияси директори Борис Фроянченко фикрига кўра, солиқ органлари ҳамда солиқ тўловчилар ўртасидаги бевосита шериклини амалда йўлга қўйиш ва доимий такомиллаштириш бориш зарур. Зеро, ушбу шерикликнинг шаффоф тарзда йўлга қўйилмаганлиги сабабли, солиқ тўловчиларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари эътибордан четда қолиши мумкин. Жумладан, ўлпон тўловчилар тadbirkorлик субъектлари ваколатли давлат органлари (Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва б.)дан солиқ муносабатлари юзасидан мунтазам тушунтириш ҳамда изоҳлар сўраб туришди.

Бизнес-Омбудсман вакил девони етакчи инспектори Эркин Султановнинг айтишича, солиқ кодексининг 289-моддаси биринчи қисмида хушбўйлангивчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакарга Солиқ ставкаси 20 фоиз қўлланилиши белгиланган. Шу сабабли, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар томонидан импорт асосида харид қилинган шакар маҳсулотлари учун акциз солиғи 20 фоиз тўлаб келинмоқда.

Маҳаллий қандолат ишлаб чиқарувчиларга шакар импорти учун акциз солиғи қўлланилган бўлса-да, лекин импорт қилинаётган қандолат маҳсулотларига акциз солиғи мавжуд эмаслиги боис маҳаллий қандолат маҳсулотлари таннархи ошмоқда. Қолаверса, бу корхоналарнинг молиявий имкониятига, тўлиқ қувватда ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса маҳаллий қандолат ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кўп қисми иш фаолиятини тўхташига олиб келиши мумкин.

Эксперт таклифига кўра:

– қандолат маҳсулотлари ишлаб

боғи фазл” фермер хўжалигининг 41,1 гектар ер майдонида 39 миллион 900 минг сўм ер солиғи ҳисобланган.

Шунингдек, Марғилон шаҳрига янги ўтказилган ҳудудда жойлашган 2 гектар деҳқон хўжалигига 2022 йил учун 84 миллион 600 минг сўм ер солиғи ҳисобланган. Тadbirkorлар шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида:

– Солиқ кодексининг 429-моддаси 11-қисмига ўзгартириш киритиш;

– вилоят маркази бўлмаган шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчилар учун солиқ ставкаларини туманлар билан бир хил, яъни қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматида нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгилаш;

– Олий Мажлис палаталарининг қарорларига асосан туманлардан шаҳарлар ҳудудига қўшилган қишлоқ хўжалиги ерлари учун солиқ ҳисоблашни тартибга солиш;

– шаҳарлар ҳудудига қўшилган қишлоқ хўжалиги ерлари учун сўнгги 3 йил



чиқарувчи маҳаллий корхоналар томонидан импорт асосида харид қилинган шакар маҳсулотлари учун акциз солиғи тўловини бекор қилиш;

– импорт қилинаётган қандолат маҳсулотларига акциз солиғини жорий қилиш;

– ҳар бир килограмми 20 АҚШ долларига бўлган қандолат маҳсулотлари импорт қилинаётганда улар учун солиқ имтиёзлари қўлламаслиги лозим.

Давра суҳбатида ушбу таклифлар инobatга олиниб, тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритилган тақдирда қуйидаги илҳомий натижаларга эришиш мумкинлиги эътироф қилинди:

– ўрта ҳолдаги маҳаллий қандолат ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кўп қисми сақлаб қолинади;

– иш ўринлари кўпайиб, ишлаб чиқарувчилар фаолияти кенгайди;

– корхоналарнинг тўлиқ қувватда ишлашига замин яратилади;

– маҳаллий қандолат маҳсулотлари таннархи арзонлашига эришилади;

– қандолат маҳсулотлари импорти учун йилга сарфланадиган 50-60 миллион АҚШ долларига тенг маблағ қисман камайишига эришилади.

Маълумки, Солиқ кодексининг 429-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг солиқ ставкаларини қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматида нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланган. Ушбу модданинг ўн биринчи қисмида, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга тумандаги ерларга белгиланган солиқ ставкаларининг икки баравари миқдорда солиқ тўлашни қайд этилган. Бу эса бир-бирига қўшни бўлган ҳудудларда фаолият юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, 2022 йил учун Фарғона туманида жойлашган “Лоғон Чингизбек замини” фермер хўжалигининг 23,5 гектар ер майдонида 9 миллион 700 минг сўм, “Zohidov Farhodjon zamini” фермер хўжалигининг 10,6 гектар ер майдонида 3 миллион 100 минг сўм ер солиғи ҳисобланган.

Ўз навбатида, мазкур фермер хўжаликларига чегарадор бўлган Қувасой шаҳрида жойлашган “Fayz Sirojiddin bog'i” кўп тармоқли фермер хўжалигининг 17,2 гектар ер майдонида 17 миллион 300 минг сўм, “Аҳмадшоҳ Акбар

давомида нотурар жой сифатида ҳисобланган солиқларни қайта ҳисоб-китоб қилиб, солиқларнинг ортиқча ундирилган қисмини ердан фойдаланувчиларнинг келгуси солиқ тўловларига аванс сифатида белгилаш каби таклифларни ўртага ташлади.

Шунингдек, ишбилармонлик соҳаси вакиллари амалиётда юзга келадиган низо ва муаммоларни кўриб чиқиш учун мустақил ва ҳолис жамоатчилик гуруҳи, масалан, экспертлар кенгаши ташкил қилиш зарур, деб ҳисоблайди. Ушбу кенгаш таркибига таниқли экспертлар (солиқ маслаҳатчилари ва аудиторлари) ҳамда ваколатли идораларнинг (Солиқ қўмитаси, Молия ва Адлия вазирликлари ва б.) масъулари киритилиши керак. Солиқ амалиёти масалаларини кўриб чиқиш бўйича Экспертлар кенгаши томонидан билдирилган ҳулосаларини тегишли ташкилот ва муассасаларга фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар шаклида киритиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари:

– **ихтиёрий солиқ тўловчиларни рағбатлантириш**, яъни виждонли солиқ тўловчилар учун солиқ имтиёзлари ёки соддалаштирилган ҳисобот тартиб-қоидалари каби солиққа оид рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

– **солиқ санкция (жазо)ларини қўллашда** дастлабки қоидабузарлик содир этилган(билмаслик ёки бошқа ҳолатлар туфайли)лиги учун жазо чораси расмий огоҳлантириш ва тушунтириш шаклида бўлиши, иккинчи ёки такрорий ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораси сезимлар даражада оширилиб борилиши, жумладан, катта миқдордаги жаримадан тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишгача бўлган бошқа таъсир чоралари кўрилишига доир фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ўртага ташлади.

Давра суҳбати якунида экспертлар томонидан билдирилган фикрлар, илгари сўрилган таклифлар келгусида қонун ижодкорлари томонидан инobatга олинса янги мудоаа бўлиши эътироф этилди.

Ақром АЛИМОВ,
Ўзбекистон Тadbirkorлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори

Суратни Сардор АМИНЖОНОВ олган.



Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Меҳнат ва ижтимоий
масалалар
қўмитаси раиси,
O'zLiDeP фракцияси
аъзоси

ТАРИХИЙ ТАШРИФ ДЕСАК АРЗИЙДИ

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг пировард мақсади халқимизни рози қилиш, одамларнинг турмушини яхшилаш, ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятли. Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига навбатдаги ташрифи давомида бу ҳақиқат яна бир бор ўз исботини топди.

Президентимиз туманларнинг маҳаллий бюджетига кўпроқ маблағ қолдириш мақсадида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ярмини туман бюджетига қолдиришни кўриб чиқиш масаласини илгари сургани ўзига хос

янгиликдир. Ушбу ташаббус жойларда мавжуд муаммоларнинг тез ечилишини таъминлашга хизмат қилади.

O'zLiDeP фаоллари тарихий ташриф сифатида баҳолаётган ушбу жараёнда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш борасидаги ислохотларни янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилгани аниқ мудоаодир. Хусусан, энди камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя битта, яъни Ижтимоий ҳимоя агентлиги тизимида бўлади. Бу, албатта, аҳолини қўллаб-қувватлашнинг манзиллигини таъминлаш, эҳтиёжмандларга кўмаклашиб, уларни камбағалликдан чиқаришнинг самарали тизимини жорий қилишга мустаҳкам замин яратди.

ДАВРА СУҲБАТИ

ЁШ ИННОВАТОРЛАР — КЕЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРИ

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида “Ёш инноваторлар ва технологлар” лойиҳаси доирасида давра суҳбати ташкил этилди.



Тadbirkor аввалида ҳудудий партия ташкилотимизнинг ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Азизбек Ахмадов сўзга чиқиб, мамлакатимизда келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшлар учун зарур имкониятлар яратилгани, улар мазкур шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда илмий янгиликлар, турли кашфиётларга қўл уришлари лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот давомида институт талабаларидан Севинч Эшмуродовнинг “АТМлар орқали омонатларни янада такомиллаштириш”, Бекзон Намозовнинг “Сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш ва сув хўжалик тизимини рақамлаштириш”, Жонибек Менглиқуловнинг “Боғ қатор ораларини бир ўтишда ағдармасдан ишлов берувчи инновацион пflug юмшатгич” сингари инновацион лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди. Шунинг эътирофи э-моқ жоизки, ҳозирга қадар мазкур институтда таҳсил олаётган 16 нафар иқтидорли талабанинг

илмий ишланмалари амалиётга татбиқ этилиб, воҳа қишлоқ хўжалиги, саноат ва тadbirkorликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

– Давлатимиз раҳбари ёшларнинг билим ва хунар эгаллашлари учун янги ташаббусларни илгари сурмоқдалар. – дейди институт талабаси, “Мирзо Улуғбек ворислари” республика танлаш илмий салоҳиятини юксалтириш, бандлиги, жамият ҳаётида фаол иштирокчини таъминлаш борасида амалий таклифлар билдирилди. Айниқса инновацион ёшлар асосида аниқ таклифлар ишлаб чиқайтган, замонавий билимларга эга ёшлар фаолиятини тарғиб этиш мақсадида ўтказилаётган “Ёш инноваторлар ва технологлар” лойиҳаси боис юзлаб янги истеъодлар кашф этилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Давра суҳбатида қайта-қайта қайд этилганидек, бугунги кунда истиқболимиз эгалари жамият ҳаётининг барча соҳаларда тобора етакчи ўринларни эгаллаб, таълим, маданият ва илм-фан ривожига салмоқли ҳисса қўламоқда. Зеро, ёш инноваторлар – келажак мутахассисларидир.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири



ВОДИЙ ГАВҲАРИ МАМЛАКАТ ЖАВҲАРИГА АЙЛАНМОҚДА

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

БИРИНЧИ РАҚАМЛИ БОРТ ҲҲҲАНДИ ЛАТИФДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг самолёти илк бор Қўқон аэропортига кўнди. Сегизинчидек, икки кунлик ташриф тарихда Ҳўқанди латиф номи ила машҳур мана шу кўна шаҳарнинг бугунги тараққиётини кўздан кечиришдан бошланди.

Илгари Қўқонга тўрт томондаги дарвозалар орқали кирилган бўлса, эндиликда ҳам маҳаллий, ҳам хорижий меҳмонлар ҳаво дарвозаси орқали келишни афзал билишди. Модомики, аэропорт замон талабларига жавоб бериши керак.

Мазкур аэропорт 1977 йилда қурилган бўлиб, яқин йўналишларга парвозлар амалга оширилган. Кейинчалик фақат ҳарбий ҳаво кучлари томонидан фойдаланилган. Модернизация натижасида ушбу аэропорт орқали яна фўқаро авиацияси қатновлари йўлга қўйилди.

Аэропортда 100 нафар йўловчиға мўлжалланган янги терминал қурилган, учинчи кўниш йўлаги қўлламаси таъмирланган. Замонавий аэроавиацияга мослашган йўрнатилиши натижасида аэропорт А 320-200 ва АТР 72-600 русумли самолётларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Энди у элга манфаат келтириши учун нарҳ ва хизматларни одамларға кулай қилиб, парвозларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ички туризм имкониятларидан фойдаланиш самараси, ҳалқаро рейсларни йўлга қўйиш имконияти қайд этилди.

Халқимиз азалдан эшикдан келган меҳмонни қўлини кўксига қўйиб кутиб олган ва яна шу тартибда кузатган. Асрий урф-одатлар ва аъналарға мос равишда эринмай сийлаган. Не тонги, эндиликда ҳар бир шаҳардаги аэропорт юртининг эшиги вазифини бажартиради. Утмиш ва келажак уйғунлашган Қўқон ҳам бундан мустасно эмас. Ваҳоланки, ҳаво бандаргоҳининг барча талабларға жавоб берадиган қўлайликларға эга бўлиши чет эллик сармоядорларнинг, сайёҳлару тўжурларнинг сезиларли равишда кўпайишиға замин яратарди.

“INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS”

Аэропортдан чиққан Шавкат Мирзиёев худди шу номдаги акциядорлик жамиятиға борди. Унинг қаерда жойлашгани ва қанақа АЖЛигини билиш учун Қўқон суперфосфат заводи атамасини ишлатиш кифоя.

Гап шундаки, инвестиция дастурлари асосида ўша собиқ завод молиявий соғломлаштириш ва диверсификация қилиш мақсадида 2019 йилда Сингапурнинг “Indorama Holdings BV” компаниясига сармоя ётқизиш мажбуриятлари билан сотилган эди. Шу асосда ташкил этилган янги корхонаға 70 миллион доллар миқдорида чет эл инвестицияси йўналтирилиб, техника ва технологияси буткул модернизация қилинди. Испания, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Россиядан замонавий усуналар келтириб ўрнатилди. Кўшимча 150 та иш ўрни яратилди.

Ўзгаришларнинг биринчи босқичи доирасида аммонийлашган суперфосфат, сувда тез эрувчан комплекс минерал ўғитлар, азот-фосфор-калийли (НРК) минерал ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Завод қуввати йилға 75 минг тоннадан 450 минг тоннаға етказилди.

Энг муҳими, сифатли маҳсулот тайёрлаш учун зарур бўлган “масаллик”лар ҳам ўзимизнинг корхоналардан олинди. Масалан, фосфорит уни Қўқондан, сульфат кислотаси Олмаликдан, аммоний сульфат Чирчиқдан, аммиак “Фарғонаазот” ва “Навоийазот”дан. Бу эса, ўз навбатида, таннархини барқарор сақлаш имконини бераётди.

Янги АЖДА электр энергияси ва табиий газ харажатлари 40 фоизгача қисқаргани, атроф-муҳитни ифлослантirmаслик учун асосий ишлаб чиқариш цехларига тўрт босқичли тозалаш усуналари ўрнатилгани билан боғлиқ маълумотларни Президент диққат билан тинглади. Шу тизимнинг амалда қандай ишлашини бевосита кузатди. МДҲ, Европа, Африка ва Осиёнинг 16 давлатига минерал ўғитлар экспорт қилаётган завод бўйлаб юрар экан, корхона йирик кимё кластерига айланиб, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий намуна бўлиши кераклигини таъкидлади. Ходимлар учун уй-жойлар қуриш, келажакда мактаб ва шифохона лойиҳаларини назарда тутиш бўйича аниқ кўрсатма берди.



Корхона модернизация қилиш юзасидан биринчи ва иккинчи босқичда бажарилган лойиҳаларни юксак баҳолади. 2025-2028 йилларда амалга ошириладиган учинчи босқичда моно ва дикальций фосфат, калий-нитрат, азот-фосфор-калийли комплекс минерал ўғит, кальций хлорид, моно аммоний фосфат, моно калий фосфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши туфайли яна 235 та иш ўрни яратилишиға алоҳида аҳамият берди.

ЯНА ТЎРТТА ЛОЙИҲА ИШГА ТУШДИ

Президентнинг ҳудудларға сафарлари давомида ўнг томонига ўрнатилган рамзий тугмани ўнг қўли билан босиб ё катта корхоналарнинг тамал тошини қўйиб бериши ёки қуриб битказилганини ишға тушириши гўзал аънанаға айланиб қолди.

Фарғонада ҳам шундай бўлди. Янги корхоналарни ишға тушириш ва қурилишини бошлаш маросимидаги сўзининг аввалида Шавкат Мирзиёев сўнгги беш йилда вилоятда саноат ҳажми 1,3 баробарға кўпайганини қайд этди. Экспорт ҳажми қарийб 2 баробарға ошиб, 722 миллион долларни ташкил этган.

Инвестициялар миқдори ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. 2018 йилда вилоятда бор-йўғи 90 миллион доллар сармоя ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1 миллиард 300 миллион доллар бўлган. Чет эл капитални иштирокидаги корхоналар сони 470 таға етган.

– Илгари вилоятда 6 та лойиҳа қилиш амримаҳол эди. Бугун 6 миллиард долларлик лойиҳалар ҳақида гапираямиз. Нима учун? Усидик, ривожландик, инвесторларни ишонтирдик, шароит яратдик. Бундай ишларни яна давом эттирамиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Биргина “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида 370 миллион долларлик юзға яқин лойиҳа бажарилиб, 9 мингта янги иш ўрни яратилди. Улар томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 60 миллион долларлик экспорт қилинди.

Юқорида айтганимдек, давлатимиз раҳбари кириш сўзидан кейин таомилға кўра ўнг томонға юрди. Олқишлар остидаги эзгу ниятлар билан рамзий тугмани босди. Энергетика соҳасида яна тўртта лойиҳа – Бешариқ туманида кўш электр станцияси, Ўзбекистон туманида электр энергиясини сақлаш тизими, Фарғона туманидаги кичик гидроэлектростанциялар шу тарихқа ишға тушди. Ушбу замонавий станциялар энергетика хавфсизлигини таъминлашға, иқтисодий самарадорликни оширишға, экологик барқарорликни яхшилашға хизмат қилади.

ЎЗБЕГИМНИНГ ЛОЛАСИ, ЛОЛАХОНИ!

Баъзан мақолага тош босадиган маълумотлар тополмай қийналади одам. Бошқа сафар эса воқеликларни матнга сиғдириш қолади. Мана, ҳозир ҳам шарҳчи тезроқ Шавкат Мирзиёевнинг Фарғонаға ташрифи чоғида Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалиғига иқтисослашган касб-хўна мактаби очилгани билан боғлиқ мавзўға кўчиргим келяпти. Лекин унғача Президент Қўқон университетиде яратилган шароитларни бориб кўргани, Фарғона туризм халқасини яратишға оид концепция тақдими билан танишгани хусусидаги қанча маълумот турибди ҳали. Жумладан, университет ёнида Терақўрсон археология ёдгорлиғи кўздан кечирилганини айтиб ўтмасак бўлмас.

Ёдгорлик шаҳар ёшини аниқлагани ҳамда қадимги ўрда ўрнида жойлашгани билан аҳамиятлидир. Яъни, бу жой Қўқон шаҳрининг энг қадимий асосидир. Ҳўқанди латиф милодий эра бошларида нафақат йирик шаҳар, балки кичик давлат пойтахти бўлган. У ҳақда кўплаб тарихий манбаларда ёзилган. Қўқон харобаға айланган, узоқ йиллар давомида қабристон бўлган. Бу ерда кўплаб аллома, адиб ва мударрислар дафн этилган.

– Зиёрат ўзи хайрли иш. Лекин миллат тарихини зиёрат қилиш янада улўғ нўмат, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бу ерда ана шундай шароит яратиш керак. Бу одамларға, айниқса, ёшларимизға ҳам билим, ҳам ғурур беради. Қўқон ҳақида чет эллардаги манбалар-

ни ўрганиб, маълумотларни бойитиб бориш ҳам зарур.

Худди шундай фикрлар Бағдод туманидаги Юксалиш маҳалласида аҳолининг турмуш шароити билан танишиш, тадбиркор ва касаначи аёллар билан самимий суҳбатлашиш чоғида ҳам билдирилди.

Нихоят, Президент халқимиз орқиқиб кутган манзил – Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалиғига иқтисослашган касб-хўна мактабига келди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Лола Муротова Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиғи ходими, “Эл-юрт хурмати” ва “Фидокорона хизматлари учун” орденлари соҳибаси бўлган эди. Бутун умрини шу соҳаға бағишлаб, катта муваффақият ва хурмат қозонган. Модомики, ана шу бой тажрибани ёшларға етказиш, қишлоқ хўжалиғида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш мақсадида ушбу таълим даргоҳи ташкил этилди.



Касб-хўна мактаби 480 ўринға мўлжалланган бўлиб, унда бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрланади. Ўттиздан ортиқ аудиториялар, етти та лаборатория, компьютер хоналари, фаол зал ва музей барпо этилган. Шунингдек, 150 ўринли турар жой, спорт зали, мини-футбол майдончаси, устхона, иссиқхона ва машғулотлар учун автодром ўқувчилар ихтиёрида бўлади. Муассасаға умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирганлар ўқишға қабул қилинади. Этув жараёни бошланғич профессионал таълим дастурлари асосида, амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Танишув асосида кўнгли бошидаги рўмолидек оқ Лола Муротованинг кўп йиллик меҳнати, инсоний фазилатлари ёдға олинди.

– Лола она ўзбек аёлининг нималарға қодирлигини кўрсатди, шу билан бирға, жуда камтар ва соддадил эди. Фидокорлиғи, меҳнатсеварлиғи билан юртимиз ривожини ва ободлиғига катта ҳисса қўшган эди. Бу жиҳатлар ёшларға ўрнак бўлиши, улар касбини яхши ўрганиши керак, – деди давлатимиз раҳбари. – Мактабда Германия тажрибаси асосида ўқувчиларни қишлоқ хўжалиғи соҳасида тадбиркорлик қўникмаларига ўқитиш жорий этилади. Таълим жараёнини сифатли ташкил этиш, методик ёрдам кўрсатиш учун мактаб Фарғона давлат университетига бириктирилди. Шунингдек, муассасада “Фермерлар мактаби”ни ҳам ташкил этиш кўзда тутилган. Унда буюртмачилар маблағлари ҳисобидан фермерлар малака ошириш курслари йўлга қўйилади.

ЭКОШАҲАР – “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИДА

Сирасини айтганда, Президентимиз бу ерға биринчи келиши эмас. Яъни, 2022 ва 2023 йилда ҳам Фарғона шаҳридаги ушбу массив қурилишини кўздан кечирган эди. 300 гектарли ҳудудда 65 минг аҳолиға мўлжалланган 365 та кўп қаватли уй босқичма-босқич бунёд этилмоқда. Бу уйлар 7, 9, 12, 16 ва 25 қаватли бўлиб, вилоят шаҳарсозлиғида ўзига хос янгилик саналади.

Ҳозирги кунда илк уйлар ва боғлар обод манзилга айланиб улғурди. 2 минг 887 хонадонли 75 та уй фойдаланишға топширилди. Уларнинг неғизида Нурафшон маҳалласи ташкил этилди. Уйларға 500 дан ортиқ оила кўчиб келди. Иккита мактаб, учта боғча ва поликлиника очилди. Аҳоли анча зич яшайдиган ҳудудлар учун бундай массивлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга.

Аҳолини иш билан таъминлаш учун массив ҳудудининг 50 гектарида кичик саноат зонаси ташкил этилади. Озиқ-овқат, тикувчилик, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, мебелсозлик ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар иш бошлайди. Бугунға қадар 423 миллиард сўмлик 5 та лойиҳа жойлаштирилди. Уларнинг натижасида 700 та янги иш ўрни яратилади.

Бежиз мазкур массив экошаҳар дея таърифланмаяпти. Сабаби 70 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон боғи”, сўлим хиёбонлар, суний кўл, тўрт минг ўринли амфитеатр барпо қилинди. Боғ ҳудудига бута ва манзарали дарахлар экилган. Турли аттракционлар ўрнатилган. Давлатимиз раҳбари массив буйлаб юриб, сўлим

маскани кўздан кечирди. Боғда қурилган амфитеатрда қисқа концерт дастури намойиш этилди.

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ВА ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШ

Ташрифнинг иккинчи куни Кува туманида ўтказилган йиғилишда Шавкат Мирзиёев ўсиб бораётган аҳоли талабини таъминлаш учун иқтисодиётни изчил ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

– Фарғона катта вилоят. Ҳозирги кунда аҳоли 4 миллиондан ошди. Бундай ўсиш билан 2030 йилға бориб 5 миллионға етади, – деди Президент. – Бу айтиш-

ға осон. Лекин ушбу рақам ортида қанча масъулият ва жавобгарлик бор. Ҳар йили янги боғча ва мактаблар, уйлар қуриш, юз минглаб иш ўринлари яратиш зарур. Шунинг учун ҳозирги таҳлилик замонда қандай қилиб иқтисодиётимизни барқарор қиламиз, деган савол ҳаммамизни қийнаши керак.

Ипидан игнасиғача қиёсий таҳлил аққол акс этиб турган нутқини диққат билан тинглаган киши борки, шу пайтатта водий гавҳари бўлган Фарғонанин энди мамлакат жавҳарига айланишиға амин бўлди.

Ушбу мулоҳаза тасдиғи учун бир неча келтирилган йиғилишда тилға олинган айрим далилларни саволтиришнинг ўзи кифоя қилса не ажаб!

Биринчидан, “Қўқон” эркин иқтисодий зонасининг ҳудуди Куваасой шаҳрининг Паркана, Кокилон ва Сўфон маҳаллаларидаги 210 гектарға кенгайтирилди. Энди бу ерда 2026 йил охиригача каммида 1 миллиард доллар миқдоридеги инвестициялар ўзлаштирилиши, 11 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиши, йилға 965 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши белгиланган.

Иккинчидан, Хитой тажрибаси асосида 19 та туман-шаҳарнинг ҳар бири саноатини амин йўналишиға иқтисослаштирилиб, саноат зоналари ташкил қилинади. Юқори қўшилган қиймат яратиш ва иш ўринларини кўпайтириш шарти билан қўшимча 1 минг 210 гектар ер ажратилади. Бунинг учун вилоят ҳокимлиғи ҳузурда дирекция ташкил қилиниб, ушбу ерлар унинг ихтиёриға берилади.

Учинчидан, маҳаллий тадбиркорлар саноат зоналаридаги биноларни ижараға ёки муддатли сотиб олиши мумкин бўлади. Саноатни туман ва маҳаллага тушириш учун инфратузилма харажатларига 50 миллион доллар ссуда ажратилади. 161 та йирик маҳаллада ҳам 4-5 қаватли саноат марказлари ташкил қилинади.

Тўртинчидан, энергетика, нефть-газ ва кимё соҳаларида 2 миллиард долларлик лойиҳа амалға оширилади. 700 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан 230 турдаги янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Электротехника саноатида 420, автомобильсозликда 500 миллион долларлик лойиҳалар амалға оширилади. Жумладан, Куваасойда электромобилни зарядлаш станциясини ҳамда қишлоқ хўжалиғи техникалари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Тўқимачилик тармоғида 300 миллион долларлик лойиҳа орқали ип-калавани қайта ишлашни 60 фоизға олиб чиқиш мўлжалланган.

Бешинчидан, вилоятда қишлоқ хўжалиғини янада ривожлантириш мақсадида Фарғона туманида 200 гектарда саноат усулида Италия ва Польшанин серҳосил малина навлари экилади. Қўштепа ва Ёзёвонда юқори ҳосилдор бодом, шафтоли, гилос ва олхўри боғлари барпо этилади. Йирик боғбонларнинг ерида музлаткичи омборлар ташкил қилинади. Мева-сабзавотни сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш лойиҳаларига хорижий валютада олинган кредитларнинг 6 фоизгача қисми қоплаб берилади. Куваасой шаҳридаги 616 та фермернинг оғирини енгил қилиш учун ер солиғи ярмиға камайтирилади.

Хуллас, Президентимиз барча шароитлар яратиб, етарли маблағлар ажратилганини эълон қилди. Эндиги гап фарғоналикларнинг ўзида қолди. Қатъий интилишни аниқ мақсадға айлантириб, астойдил ҳаракатдан тўхташмас, маҳаллий раҳбарлар аҳоли билан ишлашда мотивация омилни муҳим аҳамият касб этишини унутишмасас бас.

● "ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024" ●

СУРХОНДАРЁ



Гулчиликдан ҳам баҳра олади, ҳам даромад топади

Узун тумани Янги рўзгор маҳалласида яшовчи Лолахон Эрматова бир неча йиллардан буйини гулчилик билан шуғулланиб келади. "Ишбилармон аёл" кўрик танлови доирасида O'zLiDeP вакиллари унинг фаолиятини ўрганишди.

Лолахон томорқасидаги 4 сотихлик иссиқхонада гуллар етиштирмоқда. Барқ уриб ётган алоэ, амариллис, бегония, герань, гиацинт, гортензия, драцена, кактус, хитой атиргули, традесканция ва бинафаша каби ноёб гулларни кўриб кўзингиз қувнайди, баҳри дилингиз яйрайди. Опанинг айтишича, ҳар йили даромад 50-70 млн сўмга етади. Бу эса оила бюджетига қўшимча фойда дегани. Тадбиркор маҳалласидаги 4 нафар аёлни ҳам ёнига олиб, ишли қилган.

Ишни гуруҳ вакиллари гулчининг иштини ижобий баҳолашди. Ахир оила, уй-рўзгор ишларидан ажралмаган ҳолда қаф-дек ерига меҳр бериб, ундан ризқ тарафдорларнинг меҳнатини ҳар қанча қадрласак кам.



БУХОРО



Хунарлида ҳаловат бор



Жондор туманидаги "Фавворалар" хибонида "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг маҳаллалар босқичи бўлиб ўтди. Унда Ушот маҳалласида каштачилик мактаби яратган хунарманд аёл Шаҳноза Шарипова тақдим этган намуналар ҳакамлар ҳайъати диққатини жалб этди.

Шаҳноза шу пайтгача юзга яқин шогирд тайёрлади, уларга хунарининг барча сир-асрорини ўргатди. Шунинг баробарида мустақил равишда ишлаб кетишларига ҳам кўмаклашди. Шаҳнозанинг бежирим кашталарига айниқса, хорижлик сайёҳлар катта қизиқиш билдиришмоқда.

– Келгусида мазкур йўналишдаги ишларимни давом эттирган ҳолда яна кўплаб маҳалладошларимнинг бандлигини таъминлашга ҳисса қўшаман, – дейди хунарманд.

Паҳлавонлик тадбиркор Назира Собирова эса ёшлигидан тикувчиликка ҳавасманд эди,

ахирини шу хунарни миридан сиригача ўрганди. Хотин-қизларга чиройли либослар тикиб, уларнинг эғнида кўрса хурсанд бўлади.

Фаолиятини йўлга қўйган, ундан зиёд иш ўрни яратишга ҳам муваффақ бўлди. Унинг бошчилигидаги чеварлар ҳозирда корхона ва ташкилотлар ходимлари учун махсус иш кийимлари ҳамда чойшаблар тикиб, буюртмачиларга ўз вақтида етказиб беришмоқда.

Тумандаги Қозикенти маҳалла аҳли "Ёшлар дафтари"га рўйхатга олинган Зебинисо Ҳайдаровани яхши танийди ва ҳурмат қилади. У бугун катта тадбиркор. Дастлаб кўрпа-ёстиқлар тикиш билан иш бошлаган эди, бугунги кунда цех очиб, тўй ва маросимларга мўлжалланган миллий либослар тайёрлапти. Маҳалладошларидан 5 нафарини ҳам ишли қилди. Жойларда касаначилик борасидаги ишларда ҳам бош-қош.

Оқоридагиларга кўра ҳакамлар ҳайъати уч-чала тадбиркорни ҳам "Ишбилармон аёл-2024" кўрик-танловининг кейинги босқичларида иштирок этишга тавсия этишди.

КАШҚАДАРЁ



Эл таниган аёллар

Қамаши туманида Ойрўшан Эшдавлатовани танимаган йўқ. Баланчайла қишлоғида яшовчи бу аёл тўқиган гиламлар ўта бежирим ва сифатли. Айниқса, жун ва пахтадан тайёрлаган жулгурс, қоқма ҳамда араби гиламларининг харидорлари ўзимиздагина эмас, чет элда ҳам бисёр.

Бадахшонда кўпчилик аёллар чопчилик билан шуғулланишади. Соҳиба Тоштемурова уларнинг устози саналади. Чопчининг қадимий ва замонавий ўнга яқин тури бўлиб, бозорда харидорлиги би-

лан машҳур. Соҳиба Тоштемурованинг тикув цехида хотин-қизлар ва болаларнинг 30 турдаги кийимларини топаверасиз.

Зафар маҳалласига Хоразмдан келин бўлиб тушган Шахло Йўлдошева қишлоқ аёлларига миллий каштачилик, қуроқчилик, кўрпа-кўрпача қавиш, либос тикиш борасида амалий машғулотлар ташкил этиб келаётир. 30 дан ортиқ шогирди аллақачон мустақил фаолият юритишмоқда.

"Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг Қамаши туманидаги маҳаллалар босқичида фаол иштирок этган ушбу тадбиркор аёлларимизга партия туман кенгашининг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.



ХОРАЗМ



"Феруз Хоразмий" да ишлашни орзу қилишади

"Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг маҳаллалар бўйлаб саралаш босқичи Хоразмда ҳам қизгин давом этмоқда. Танлов доирасида Урганч шаҳрининг Кўҳна қалъа маҳалласидаги "Феруз Хоразмий" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишилди.

Жамият раҳбари меҳнатсевар, интилувчан Клара Жумамуратова нафақат тадбиркорликда, сиёсий жабҳалардаги фаоллиги билан ажралиб туради. Тикувчилардан иборат ушбу жамиятда ҳозирда 100 нафар хотин-қиз муносиб меҳнат шароитида севимли иши билан шуғулланмоқда, оиласи бюджетига иқтисодий фойда киритмоқда.

Жамият, шунингдек, ҳудудда энгил саноатни ривожлантириш, янги технологияларни жорий қилиш, ёш мутахассис кадрларни тарбиялаш борасида ҳам ибрат кўрсатаётир. Корхона асосан тендер асосида

ташкilotларнинг буюртмалари бўйича маҳсулот тайёрлайди. Пахтадан тайёрланган кийим-кечакларни ўз дўконларида сотувга чиқаради. Бу ерда ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси, соғлигини мустаҳкамлаш дейсизми, ҳаммаси юксак эътиборда. Корхона ҳар йили ўз ҳисобидан уларни тиббий кўриқдан ўтказиши, вақтида моддий ёрдам беради. Меҳнаткашлар учун дам олиш, жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш хоналари ҳам йўлга қўйилган. Ходимларни ишга олиб келиш ва уйларига етказиш учун махсус машина қатнови ташкил қилинган, уларнинг ёш фарзандлари боғчага имтиёзли қабул қилинади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлар самарасидир.

"XXI asr" мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА O'zLiDeP ҳудудий кенгашлари матбуот хизматлари маълумотлари асосида тайёрлади.

ИМКОНИАТ



ОБОДОНЛАШТИРИШ ОИЛАДАН БОШЛАНСАЙДИ...

Инсоният маиший
чиқиндилар турини ҳам,
миқдорини ҳам
ошираётгани айти
ҳақиқат. Айниқса,
катта шаҳарларда бу
борадаги жиддий ҳолат
яққол кўрина бошлади.



Тозаликни таъминловчи шундай соҳа борки, унинг хизматини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Негаки, белгиланган кунда чиқиндилар олиб кетилмаса атроф-муҳит қай ҳолга тушишини тасаввур қилиш қийин эмас.

– Зиммамизга юклатилган ғоят жиддий ва масъулиятли вазифани удалаш, бир сўз билан айтганда, одамларни рози қилиш осон эмас, – дейди Самарқанд шаҳридаги "Мароқанд Обод" давлат унитар корхонаси директори Расулбек Тўлқинов. – Юздан ошмиқ махсус автомобиллар ёрдамида бир кунда қадимий шаҳардан 600-700 тонна маиший чиқинди олиб чиқилади. Бундан ташқари, хўжалик ва қурилиш чиқиндилари ҳам бор. Тўпланган барча чиқиндилар шаҳар четига жойлашган 100 гектарлик полигонга олиб борилиб, зарарсизлантириш учун тулпроқ билан ёпилади. Шунда газ ҳосил бўлмайди, чирши жароғини тезлашади ҳамда атроф-муҳитга камроқ зарар етказиши. Қолаверса, иккиламчи маҳсулотлар йиғилиб, йирик корхоналарга сотилади. Йилига шу йўналишда бир миллиард сўмдан ошмиқ маблағ корхонамиз ҳисобига тушади. Тўғри, фойдадан солиқ тўланапти, лекин бу билан мақсадли бўлмайди. Чунки кўплаб давлатлар чиқиндилардан электр энергияси олапти. Инчунин, ҳар қандай соҳада дунё тажрибасини қўллаш фойдадан ҳоли эмас.

Суҳбатдошимизни тинглар эканмиз, ўз касбининг устаси эканига, назария ва амалиётни уйғунлаштириганига амин бўламиз.

У яна сўзида давом этади:

– Бу борада ўзимизда ҳам амалий ишлар бошланган. Хусусан, Хитойнинг "SUS Environment Co Ltd" компанияси тўғридан-тўғри инвестиция киритишни режалаштиряпти. Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичида 150 миллион долларлик ускуналар ўрнатилди деган бўлса, ана шунда кунга 1 000 тонна чиқинди қайта ишланиб, ёқил орқали 20 МВ электр энергияси ишлаб чиқарилиши мумкин. Корхона ишга тушган, 70 та янги иш ўрни яратилади. Яқинда "SUS Environment Co Ltd" компанияси бош директори бошчилигидаги делегация аъзолари Самарқанд вилоят ҳокимлигида бўлишиб, пилот лойиҳани амалга ошириш юзасидан тадбирлар режаси ҳақида келишиб олинди.

Расулбек Тўлқиновнинг эътирофи айтишича, мазкур йўналишда маблағ тикишга тайёр давлатлар анчагина. Жумладан, Япония, Швеция, АҚШ, Чехия, Араб мамлакатлари ва Жанубий Кореядан кўплаб тақлифлар олинган. Бу йўналишда инвестор ўзи заводни қуради, ишлатади, ўзи ишлаб чиқарган электр энергиясини сотади ва фойдасини олиб чиқиб кетади. Бизга эса тайёр бизнес, тайёр технология ва тайёр йўналиш қолади.

Мутасаддилар мавжуд масалалардан кўз юммаслик, аксинча, уларни вақтида бартараф этиш тарафдори. Масалан, бугун кўпчиликка майда иш бўлиб кўринган аҳолининг чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаб кетиши жиддий муаммолар сирасига киради аслида. Ёш болаларнинг чиқиндиларини махсус қутилар атрофига тўкиб кетиши, биринчи навбатда ўша оиладаги муҳит билан. Энг ачинарлиси, Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда қурилишнинг қаттиқ чиқиндиларини дуч келган жойга ташлаш одатга айланаётир. Бу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида мазкур корхона қошида штаб ташкил этилиб, алоҳида махсус автомашиналар ажратилаётган бўлса-да, аҳвол ўнганмаяпти. Негаки, буни аҳоли ҳам исташи, тозалик маданиятига амал қилиши керак-да.

Мухаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири



УМРИМ ЙЎЛИДАГИ ГЎЗАЛ БЕКАТЛАР

Инсон ҳар доим ортга боқиб, ўтган умрини таҳлил қилади. Келажакка назар ташлаб, режалар тузади. Ўзимдан қиёс: болалик давримдаёқ олддаги умрим узун йўллардан иборат бўлиб туюлар, уларнинг охири қандайдир сирли дўнгликлар ортига уланиб, мавҳумлашиб кетгандай туюларди. Кейинроқ англаганим шу бўлдики, сирли дўнглик бўлиб туюлган ҳар бир манзил умрим йўлидаги бир бекат экан. Мен бу бекатда маълум муддат тўхтаб, тин олиб, ортга назар ташлаб, яна навбатдаги чўнғроқ баландликка интилган эканман. Энг ахамиятлиси, ҳаётимдаги энг фараҳли, шонли, шавкатли йиллар Термиз давлат университети бағрида ўтибди.



Дилбар ҚОДИРОВА,
Термиз давлат университети бошланғич таълим кафедраси мудири, биология фанлари номзоди, доцент

Муаллиф ҳақида қисқача:

2009 йилда “Буғдойнинг айрим тур ичидаги формаларининг ўсиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ҳозирда “Сурхондарё вилояти шароитида доривор занжабил (имбир, ZINGIBER OFFICINALE) ўсимлигининг ўсиш ва ривожланишига ташқи муҳит омилларининг таъсири” мавзусида докторлик илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. “Шуҳрат” медали ва “Мўтабар аёл” кўкрак нишони соҳиби. Вилоят “Олима аёллар” уюшмаси раиси.

1997 йилдан бошлаб кадрдон илм масканининг бошқарилишида ўқитувчи бўлиб иш бошлаганидан кейин, ўз аудиториямга эга бўлдим, қанчалик эриш туюл-

масин, менга ҳам устоз деб муомала қилувчи илмталаблар сафи кенгайди. Бу мақомда туриб муомалага киришишнинг қанчалик қийин ва масъулиятли эканини ўшанда тушуна бошлаганман. Содда қилиб айтганда, устоз сузлаш асосида муфассал эшита билиши лозим экан. Талабаларнинг кизгин ва жўшқин даврасига шу мақом билан кирган кезларимда олиё ўқув юрти ўқитувчиси бир неча авлоднинг тақдирига жавобгар шакл эканлигига амин бўлган эдим. Олий таълим муассасаларида тайёрланган мутахассисни бир неча ўн нафар ўқитувчи ва олимлар томонидан сайқалланган мукамал асарга менгаш мумкин. Ва биргина устознинг меҳнати астойдил бўлмаса, бу асар сифатига пуртур етади. Бу фикрни ўз қалбига сингдирган олган ўқитувчи, албатта, ёмон дарс ўтмайди.

Олий ўқув юртида факультет – улкан жамоа ичидаги нисбатан кичикроқ жамоа бўлса, кафедра – жамоа таркибидоғи оиладай гап. Мен буним 2011 йил ботаника кафедрасига мудири этиб тайинланганимда ҳис этганман. Кафедрадаги ўқитувчилар ёш, билим, дунёқараш, нуфуз жиҳатдан турфа. Мудири уларнинг қалбини, интилишларини, орзу-умидларини ўзиникидай қабул қилиши лозим. Қолаверса, кафедра мудирининг меҳнати спорт жамоаси мурабийининг меҳнатига ўхшаб кетади. Ўқитувчиларнинг вазифасини уларнинг қобилиятига қараб тақсимлашда адашмаслик керак. Адашдингми, юзлаб орзумдан талабларнинг мукамал билим олишига тўсиқ бўлиб қолиши мумкин. Устозларнинг ўғитлари, ТерДУ жамоасидаги маданият, ижодий ва илмий муҳит йўлдош бўлганлиги, мен бу масъулиятли вазифани ҳозиргача баҳоли қудрат уддада келмоқдаман. Тўғри, ҳозир бошланғич таълим кафедрасини бошқараман, бироқ бу билан масъулият ва моҳият ўзгариб қолгани йўқ, аксинча, лавозим методика билан боғлиқ экан, ижодийлик биринчи ўринга чиқади. Ижодийлик устивор бўлган муҳитда тақлифлар, мавжуд методикаларни такомиллаштириш бўйича изланишлар кўп бўлади. Бир қарашда муллақо ноўрин туюлган, ammo чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ғоят мазмунли тақлифлар ҳам етарлики тақдим этилади.

Адашмасам, 2019 йилда талабалар илмий конференциясига тақдим этиладиган илмий мақолалар билан танишиш асосида қизиқ бир фикрга дуч келдим. Муаллиф бошланғич синфларга тарбия дарсини ўтишда кичик ривоятлардан фойдаланишни ва бу ривоятни аввал мониторинг қўриштиришни, кейин эса саҳна кўриниши тарзида намойиш этиш усулининг самарадорлигини асослаб беришга уринган эди. У тақлиф этётган методикага кўра, биз ахлоқ, одоб, хулқ, маданият каби тушунчаларга таъриф бериб ўтирмасдан, уларнинг инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлиш вазиятларини кўрсатиб беришимиз лозим, бола эса ўз таассуротларидан келиб чиқиб, уларнинг таърифини аниқла олади. Тўғри, бундай ёндашувни мукамал дея олмаймиз, лекин тадқиқот иши учун бошланғич версия сифатида қабул қилиш мум-

кин. Ана шундай вазиятларда методикага алоқадор кафедра мудирининг муносабати муҳим: самарадорлиги қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай янгиллик рағбатлантирилиши керак.

Бу мисолни келтиришимдан мақсад шуки, фикр ва ёндашувни инкор этишга шошилмаслик – оқилона йўл. Ҳар қандай тақлифни такомиллаштириш мумкин, бироқ бутунлай инкор этилган фикр қайта туғилмаслиги мумкин. Бошланғич таълим методикаси кафедрасига мудири бўлибгина, ёшларимиз қанчалик улкан потенциалга эга эканлигини кўрдим. Кафедра мудирининг ўқитувчилар ўртасида ижодий-креативликка интилиш муҳитини шакллантиришдаги роли ва ўрни, айниқса, кейинги йилларда кўпроқ намоён бўлмоқда. Бу, шубҳасиз, узлуқсиз таълимни тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислохотларнинг натижасидир. Эътибор қилинг-а, айнан олий таълим соҳасида амалга оширилган янгиллик ва ўзгаришларни бугун оддий фуқаролар ҳам кўриб турибди. Чиндан ҳам, малякатимизда олий таълим, умуман, узлуқсиз таълимни ривожлантиришга қаратилган тарихий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларга кўра, таълимда инсонларварлик, очиқлик, субъектликлик, демократия, эркинлик каби тамойилларнинг устиворлиги таъминланди.

Айниқса, 2018 йилдан кейин ТерДУнинг мавжуд илмий-ижодий потенциал намоён бўлиши учун улкан имкониятлар эшиги очилди. Янги ўқув бинолари қад кўтарди, аудиториялар энг замонавий ускуна ва жиҳозларга эга бўлди. Талабалар билан профессор-ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар мутлақо янгича кўриниш касб этди. Бундай янгиланишлар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий этилган очиқлик, шаффоқлик муҳитининг устиворлиги, қолаверса, университетимиз ректори Абдуқодир Тошқуловнинг чинакам фидойилиги маҳсулидир. Бугун одамлар ТерДУни шаҳар ичидаги шаҳар деб атайдилар. Бундай юксалишда кўп йиллик ва мудом янгилиб бораётган олий даргоҳ профессор-ўқитувчилар жамоасининг аризли ўрни бор.

Бу ерда ўз ҳаёт йўлини, қолаверса, мураббийлик тақдирини кадрдон университетнинг 70 йиллик тараққиёт йўли билан эш билган устозлар меҳнат қилади. Исмоил Аллаков, Холмат Зокиров, Сайфулла Турсунов, Абдумурот Сатторов, Ҳайт Тўраев, Шукур Хуррамов, Бекмурод Қодиров, Абдумуин Рўзиев, Қурбонтурди Жумаев, Рашида Муҳаммеджанова, Адолат Ҳайдарова, Шодмоной Рўзиева, Беғали Холиқназаров, Худойберди Жумаев ва бошқа ўнлаб беназир инсонлар билан бир сафда туриб меҳнат қилдим. Узим ёқтирадиган энг суюли туйғу шуки, Термиз давлат университетининг энг кичик ютуғидан ҳам кўнглим тоғдай кўтарилади ва бу даргоҳ шаънига айтилган арзимас гапдан ҳам юрагим титраб кетади. Негаки, мен кадрдон университетимнинг кейинги 30 йиллик тарихига шерикман, умрим йўлидаги бекатларнинг энг ахамиятлиси, ушбу шаҳар ичидаги шаҳарнинг бағридадир.

МАВЗУГА ҚАЙТИБ...

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЖЎРАБЕК РАҲИМОВ ЭЪТИБОРИГА!

МАНТИҚСИЗ АТАМАЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШ ШУНЧАЛИК ҚИЙИНМИ?!

Газетамизнинг шу йил 22 февралдаги 8-сониди “Номлари бор-ку, рақамларга не ҳожат?!” сарлавҳали мақола чоп қилинган эди. Унда жумладан шундай фикрлар келтирилган: “...Полвон каналнинг қўша кўпригидан ўтгач, навбатдаги ариқ бўйидаги лавҳага кўзи тушган меҳмон ажабланиб сўради: “Тушунмадим, энди бунига изоҳ беринг ёшулли, бу қанақа атама?”. Не кўз билан кўрайки, унинг нигоҳи “Р-8 канали” деган лавҳага тушиб турарди... Тушуниксиз, ажабтовор бундай лавҳаларни кўравериб, бекорчилигимиздан “Р” ҳарфи нимани аниқлайтиши билан қизиқмаган эканман. Кейин билсам, “Р” – русча “распределитель”, яъни “тақсимловчи” дегани экан...”.

юритди. Ўша вақтда атай ўзгартирилган қадимий жой номлари аслигача қайтарилди. Бу мустамакчилик сиёсати асоратларидан бутунлай қутилиш йўлидаги сиёсий қадам эди.

ланган депутатларнинг лоқайдлиги, эл орасига чиқишмагани натижаси эмасми? Майли, ўтган ишга саловат! Аммо бу каби хатоликларни бугун тўғрилаш имкони бор-ку! Мазкур канал ва ариқларнинг

маблағ кетмас балки?

Вилоят ҳокимининг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчисининг вазифаси аслида шунга ўхшаган ҳолатларга чек қўйиш эмасми? Ҳозирда кўп жойлар атаmalarини янгилари билан алмаштириш жараёни кетаяпти. Кўп қадим атаmalar ўта замонавий номларга алмаштирилмоқда. Шу иш бошида айнан юқорида эслатилган ходимлар жонбозлик қилишмоқда. Бу борада елиб-югуриб юрган масъулларнинг шўро замонадан қолган наҳотки кўзлари тушмаса? (Газета ўқимасликлари кундек равшан).

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларимизда матбуот чиқишларига масъуллар муносабат билдиришлари шартлиги белгилаб қўйилган. Аммо...

...Газетамизнинг ўтган йил август ойи сонларидан бирида икки йилки “туя гўшти еган” бир муаммо – Урганч шаҳрида машҳур қўшиқчи Анна Германга ёдгорлик ўрнатиш бўйича ҳукумат бошлиғи топшириги ижроси атай пайсалга солинаётгани борасида бонг қўрдик. Ушбу чиқишимизга вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов тезкор эътибор қаратди ва масала бир ҳафта ичида ҳал бўлди. Тахририятимиз газета чиқишига эътибори учун ҳокимга ташаккур билдирди.

Ишонимизки, ушбу такрорий чиқишимиздан сўнг вилоят ҳокими масъулларига туртки берар ва биз яна ҳокимга миннатдорлик изҳор қилармиз.

лари мухбиримизнинг уйига бориб, ундан тушунтириш хати ёзиб олишга уринишган).

Академик Яхё Ғуломов “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” номли машҳур асаридида суғорилиш тарихи салкам ўн минг йилга борадиган қадим ўлкадаги барча сув йўллари, уларнинг қазилган вақти, аталishi бўйича қимматли маълумотлар келтирган. Хива хонлигида бош мирос вазифасида ишлаган, айни вақтда шоир ва тарихчи сифатида машҳур Мунис, Огаҳий каби миллатимиз даҳолари асарларида ҳам қадим арна, ариқлар ҳақида етарлича маълумотлар бор.

Бундан беш аср илгари қазилган, бошламасида ва оёқ қисмида яшовчи уруғлар номи билан Хитой ёки Месит деб аталган ариқни бир аср илгари атай ўзгартиришгани аниқ. Бу босқинчилар томонидан халқ тарихини нутишлари учун қилинган яширин маънавий “диверсия” экани аниқ.

Мустақилликка эришганимизга 33, “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилинганга эса 35 йил тўлмоқда. Ўтган даврда атаmalarни миллийлаштиришга катта эътибор қаратилди Олий Мажлис қошида Атамалар қўмитаси фаолият



Хўш, ўша вақтда Хоразмдаги бу каби тутуруқсиз атаmalar нега ўзгартирилмади? Бу ўша вақтда катта лавозимларда ўтирган масъуллар, халқ томонидан сай-

магистраль йўллар бўйларига ўрнатилган лавҳалари сонни кўпи билан юз дондир. Эни бир қарич, узунлиги бир метрлик лавҳани алмаштириш учун туядек катта

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Қисматнинг овози

Усмон Носир олдида бизнинг ҳеч узиб бўлмайдиган сўнгиз қарзимиз бор. Ҳар сафар Усмон Носирни хотирлаганда, ҳар сафар унинг сўзидан – шеърлари ва дostonларидан баҳрадор бўлганда, доим шу қарз мозийдан узатилган бир қўл каби одамнинг елкасидан тутади.

Оламни шеър суронлари билан тўлдиршига қодир бўлган йигит ўз Ватанини ҳар нарсдан ортиқроқ севиб, шу севгисини қуйлагани учун зўравон салтанат томонидан маҳв этилди.


Шу ҳаёт завқларига тўлиб тошган йигитнинг ахир нима гуноҳи бор эди? Наҳот у зўравон ва адолатсиз салтанат учун шу қадар хавфли эди? Наҳот у салтанатни тагидан кўприб, ўз тупроғини босқинчилик зулмидан халос қилишга жазм этган ёки шунга қодир эди? Наҳот лоақал порлоқ истеъдодни аяш мумкин эмасди? Ахир бундай истеъдод эгалари ҳар қандай халқ ичида ҳам ноёб ва демак, ардоқли саналади-ку!

Лекин бу саволларга жавоб йўқ, Империя қаттол эди. У ўз жирканч ҳукмдорлик мақсадлари йўлида ҳар қандай истеъдодни янчиб ташлашга доим тайёр эди ва буни заррача шубҳага бормади, иккиланмай адо этарди. Ўз ерлари, туганмас бойликлари бўла туриб, бир неча юз йиллар давомида ўзгалар ерлари ва ўзгаларнинг бойликларига кўз тикишга, шу ерларни эгаллаб, уларни совуриб тасаруф қилишга одатланган бу тоифа ўз босқинларини доим турли найранг ғоялар билан ниқоблаб, халқларнинг кўзига чўп солиб келди. Империячилик тамойиллари уларни беҳад шафқатсиз қилиб қўйди. Шафқатсизлик насл-наслларнинг онглирига турли йўллар билан синдириб келинди. Халқларнинг эркин, хур, мустакил яшашга интилишларини улар шу найранг ғоялар билан бўғадилар, тинимсиз, «бирлашишга», «иттифоққа» қақирадилар. Ўзлари ўз асил юртларини обод, фаровон ва ҳар жиҳатдан саодатли қилиб яшашни ҳатто хаёллари ҳам келтирмайдилар. Ма-на шу йўлда бор куч-қувватларини сарфлаш ўрнига турли тоифаларга бўлинадилар ва ҳоқимият даъвосида тўхтовсиз жанжаллар уюштирадилар, тўхтовсиз баҳс-мунозараларга берилдилар, бир-бирларини тинмасдан қоралайдилар, ўз бошларига ва бошқа халқлар бошига ёлгон-бўхтонларни дўлдай ёғдирадилар. Халқлар ўз ирода ва ихтиёрларини билдирганлари, том мустакиллик йўлини танлаганликларига қарамай яна уларни эски найранг ғояларини ўртага солиб қарам қилиш, эски замонга қайтариш пайида бўладилар. Улар бу хатти-ҳаракатлари нақадар гайри ахлоқий эканлигига эътибор бериб ўтирмайдилар...

Ҳақиқий шоирлар ҳар қачон ўз юртларининг тимсоли бўладилар. Улар ўз юртларининг дарёларига, ўз осмонларининг булутларига, ўз тоғларининг мингашма чўққиларига, ўз йўлларининг қаровонларига ва ўз оналарининг чақалоқларига ўхшайдилар.

Шулар билан бирга ҳақиқий шоирлар ўз миллатининг қалбига ўхшайдилар.

Гейне ўз халқининг қалби эди. Пушкин ўз халқининг қалби. Байрон – ўз халқининг қалби. Бу қалбларни топтамоқ шу халқларнинг ҳаёт асосларини топташ билан баробардир.



Усмон Носирни сўзларининг миқёси, кечинмаларининг миқёсларига кўра ўз халқининг қалби деб айтсак, бунда муболага йўқ. У том маънода халқ тимсолига айланиш йўлига кирган эди.

Усмон Носир Ватанини ҳеч иккиланмасдан севади. Ватан деб, халқ деб, ўзини ҳар қандай синовларга ҳозирлаган.

Ватан ҳисобидан ҳеч қандай муроасага бормади. Халқ ҳисобидан, халқ устидан бошқалар билан шу юрт, шу халқ учун зарарли муросалар тузмади.

Унинг севгиси бутун ва бўлинмас.

Усмон Носирнинг шеърлари нурдан тўқилган.

Улар ичдан нурланиб турадилар. Ичдан нурланиш жуда ноёб ҳодиса. Инсониятнинг камдан-кам фарзандларига насиб бўлади. Сўзининг ичдан мўъжиза касб этиб нурланишини мен Бобораҳим Машрабда, Мирзо Ғолибда, Гейнеда, Лоркада, Чўлпонда, Усмон Носирда кузатганман.

Усмон Носирнинг шеърлари ва дostonлари оралаб булутлар билан олишайтган ва булутлар орасидан янада ярақлаб чиқаётган ва ҳиссиётли юракларни беҳад тўлқинларга соладиган нурафшон ой кезади. Ой, шамол, булут – гўзаллик ва ҳаёт яратилган қодир табиатли булутлар Усмон Носир шеърларига фусункорлик бахш этадилар.

Усмон Носирни ҳижроннинг гирдоби қуршаб келаётганди.

Ҳолбуки, у эрка шоир эди. Шеърлари ўзбек зами-нида тушган, тим қора сочлари қайсар жингалакланган оловли боши узра шуҳрат яловлари хилпирарди. Шунчалар ёш бўлишига қарамасдан, Самарқанд дорилфунунида талабалик чоғидаёқ уни ўзбек шеърятининг энг талантли вакили сифатида Россияга, Арманистонга, Тожикистонга адабий анжуманларга шеър ўқигани юборардилар.

Усмон Носирнинг жўшқин юраги кенгликларга чиқиб, ўлкаларни кўриб, таассуротларга тўлди. Ҳали гўдаклик чоғларидаёқ у таассуротларга ташна эди. У олам тасвирларини исёнкор юрагига кўчиришга ошиқарди. Янги-янги таассуротларда яшаш унга ёқар, беҳад завқ бағишларди.

У ҳеч нарсага бепарво қарай олмас ва ҳеч нарсанинг қошидан бепарво, беғам ўтолмасди.

Рим тарихи ҳам, Клеопатра ҳам, Гейне, Лермонтов, Данте ва Шекспир ва буларнинг қаҳрамонлари ҳам, ён-атрофидаги тенгқур дўст-ёрларининг тақдирлари ҳам унинг юрагига жазиллаган учқунлар ташлар ва учқунлар илҳом парисининг оппоқ кафтида ёмби, қуйма шеърларга айланарди.

Илҳом париси Усмон Носирга қанчалар ярашарди.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
адабиётшунос олим



Яшашга ташналик, яшаш иштиёқи қанчалар кучли эди Усмон Носирда!

Эътибор беринг: унинг шеърлари, дostonлари ва ҳатто таржималари нақадар гўзал умидворлик билан тўла!

Усмон Носирда сўзлар умидворлигининг порлоқ даражаларига кўтарилади. Олам меники! Куёш меники! – деб нидо солади дунёга бу умидворлик.

Афтидан, бу умидворлик ва яшаш иштиёқининг йўлини тўсадиган ҳеч қандай куч оламда йўқ! Ҳеч нарса унга бас келолмайди. Ҳеч нарса уни энголмайди. Ахир шу куч – илҳом париси-да! Яна нима!

Лекин... барибир... шоир ҳижрон гирдобида эди.

Унинг барча шеърларида, таржималарида қисмат тилга кирган сатрлар, бандлар бор! Балки қисмат унинг қалбига жуда эрта тилга киргандир. Лекин шеърларида қисматнинг овози ўттиз учинчи йилдан тўхтовсиз эшитила бошлади. Эсингиздами, унинг «Юрак» шеърларида сўнгги сатрлар: «Ёрил, чақмоққа айлан сен, Ёрил! Майли тамом ўлсам!..» Мен буни қисмат овози деб биламан. Шоир ўз тақдирини башорат қилишга ўтган эди. Ёки машҳур «Монолог»ни эсланг. Бунда барча ўтли сатрлар – қисмат овози. Ва айниқса: «Эҳтимолки, тамом қилмасдан – Умрим тугар...» Чамаси, «Нил ва Рим» ҳам бошдан-оёқ қисмат саси. «Лампа ёнур... яраланган қанотдек оғир уй босади. Юрагимда гўё сел ёғар...». Усмон Носирнинг бу сирли шеърда Ҳомер билан баҳслашуви ҳам, Рим саҳнасида гладиатор билан йўлбарс олишуви ҳам, халқнинг бу қонли манзарадан завқланишлари ҳам ва ниҳоят, «Рим – уйиндан ўлим кутган жинни театр» сатри ҳам бари-бари ўз тақдирига башоратлар эди...

Шоир шеърлари башоратнинг англашилмас ажиб сирли тасвирларига тўлган. Унинг ҳар сатридан бу буюк инсоннинг қисмати кўриниб туради:

**Жим!.. Уфқдаги ботар куёшни
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча қуйган шафақлар
Тирқираган қонни эслатди!**

Даҳшатли Сибир ўрмонларида яланғоч кўксини ўйиб қонга ботирган Усмон Носир!

Сенинг шеърларингда қисматинг ҳайқиради!
Гуноҳинг нима эди, сени бунчалар шафқатсиз забун қилдилар?!
1993

Мақола қисқартirilган ҳолда чоп этилмоқда.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА...

Имом Бухорийнинг

Камтарона ҳаётлари

Ҳазрат Имом Бухорий ўзлари бой-бадавлат тижоратчи бўлсалар ҳам, яшаш тарзлари жуда камтарона ва хоксорона бўлган. У зот ўз ҳаётларини севиқли Пайғамбаримиз (алайҳис-салоту вас-салом) ҳаётларига ўхшатишга ҳаракат қилар эдилар.

Кўпинча рўзадор юрар, нон билан сувга учинчи нарсани қўшмас, охират ҳисоб-китобидан қўриқиб, очликнинг олдини оладиган миқдор билан кифояланар эдилар.

Бир гал оғир бемор бўлганларида табибларни чақиритишди, улар Имом ҳазратларининг пешобини текшириб: «Бу кишининг пешоби гўшт-ёғ емайди деган баъзи насороларнинг пешобига ўхшаб қолибди, чунки улар нонхуруш истеъмом қилмайди», дейишди.

Имом Бухорий бу гапни тасдиқлаб: «Дарҳақиқат, қирқ йилдан бери нонхуруш еган эмасман, нон билан сувга бошқа нарсани қўшмаганман» дейдилар (Юсуф ибн Абу Зарр Бухорий).



сўнгги нидолари

Улуғ олимлардан бирлари айтдилар: «Тушимда жаноб Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир жамоа саҳобалар билан бир жойда тўхтаб турганларини кўрдим. Дарҳол салом бердим, у зот алик олғач: «Нима учун бу ерда туриб қолдингиз, ё Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам?» – деб сўради. У зот: «Муҳаммад ибн Исмоилни кутиб турибман», дедилар.

Ровий айтдилар: «Бир неча кун ўтгач, эшитдимки, мен туш кўрган соатимда ҳазрат Имом Бухорий вафот қилган эканлар».

Имом Бухорий ҳаёт вақтларидаёқ шундай буюк шараф, обрў-эътиборга сазовор эдиларки, Муслим ибн Ҳажжож каби султонлар у кишининг оёғини ўпишга зор эдилар.

Шундай буюк зот кетар чоғларида: «Ё Аллоҳим! Ер юзи қанча кенг бўлмасин, у менга тор бўлиб қолди. Энди менинг жонимни Ўзингга олгин!» – деб нидо қилдилар...

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир, таржимон

Ҳар бир аҳли илм ва аҳли заковат Имом Бухорий, Имом Термизийдек зотларнинг муборак қабрларини зиёрат – у азиз зотларнинг илм хазиналаридан баҳраманд бўлишдир.

Яратган Зот бизга шундай барокотли юртни, шундай улуғ алломаларни, шундай улуғ маънавий хазиналарни ато қилдики, қанча ҳамду сано айтсак, қанча шукр қилсак – шунча оз.

«Ер юлдузлари» китобидан олинди

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Дилшод ШОУМАРОВ
Сирождидин САЙИД
Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА

Нодир ЖУМАЕВ
Шухрат АСЛОНОВ
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)нинг 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Буюртма рақами: Г – 745
Адади: 4031
Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди – 19:15

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© «XXI asr» дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА